

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МУҚАДДАМ СУДЛАНГАН  
ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ  
ТАШКИЛИЙ ВА ХУҚУҚИЙ ТАЬМИНЛАНГАНЛИГИНИНГ  
БУГУНГИ ҲОЛАТИ**

**ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ КАФЕДРАСИ  
РАХИМОВ БОБУР АБДУХАКИМ ЎҒЛИ**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Хуқуқбузарликлар профилактикаси йўналиши бўйича таълим олаётган курсанти*

**АННОТАЦИЯ:** Битирув малакавий ишида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, предмети, обекти, вазифалари, профилактика инспекторларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги тушунчаси, бугунги кунда бандлик органларининг хуқуқбузарликлар профилактикасидаги ролининг аҳамияти, ушбу ҳамкорликнинг хуқуқбузарликланинг барвақт олдини олишдаги аҳамияти, ҳозирги холат, шунингде ушбу ҳамкорлик доирасидаги қатор муамма ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича бир қатор таклифлар ишлаб чиқилган.

**Шартли қисқартмалар:**

**ИИО**-ички ишлар органлари;

**ТП** – Таянч пункти;

**МЖТК** – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс;

**ЖК** – Жиноят кодекси;

**ЖИК** – Жиноий ижроия кодекси;

**ХМҚО** – Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар;

**ЖТС**-жамоат тартибини сақлаш;

**ИИВ**-ички ишлар вазирлиги;

**ИИБ**-ички ишлар бошқармаси.

**Муқаддам судланган вояга етмаганлар билан ишлаш фаолиятининг асосий хуқуқий асоси** бу “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонун хисобланади.

Мамлакатимизда вояга етмаганлар хуқуқ-эркинликларини таъминлаш, уларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, энг асосийси, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиган. Вояга етмаганлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мустахқам хуқуқий база яратилгани самарали ижтимоий ҳимоя тизимини жорий этиш ҳамда ёшларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда. Айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг 40 фоизини вояга етмаганлар ташкил этади. Ушбу

кўрсаткичнинг ўзиёқ масала нечоғли долзарб аҳамиятга эга эканидан дарак беради. Бу жараёнда ота-она, маҳалла-кўй, таълим муассасалари, умуман, кенг жамоатчилик зиммасига улкан масъулият юкланди.

Хуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашиш барча даврларда ҳам давлатнинг жиддий ва муҳим масаласи ҳисобланиб келинган. Инсон тинч ва хотиржам яшашни ҳоҳлади. Тинчлик бўлган жойда барака ва ривожланиш бўлади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистоннинг жиноятчиликка қарши курашиш ва хуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги мақсадлари аниқ ва равshan баён этилди.

Ҳаммамизнинг олдимизда турган муҳим масала бу ёшлар ўртасида хуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш. Чунки, ёшлар бизнинг келажагимиз. Шундан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистон ёшлар ўртасида турли хил иллатларни олдини олиш, уларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида салмоқли ишларни амалга оширилмоқда. Хусусан, мустақиллик қўлга киритилганидан 3 ой ўтмасдан, яъни 1991 йил 20 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Конун қабул қилинди. 2016 йилга келиб “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги конун янги таҳрирда қабул қилинди. Бундан ташқари, “Бола хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги конунлар қабул қилинди, қатор халқаро хужжатлар ратификация қилинди.

Парламентнинг ёшлар билан ишлаш борасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида, яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси тузилди ва ўзининг фаолиятини бошлади. Ёшларнинг, айниқса уюшмаган, иш билан банд бўлмаган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган ёшларнинг касб-хунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратишга, бандлигини таъминлашга, ишбилармонлик кўнимкамларини ривожлантиришга, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишга кўмаклашиш, ёшлар ўртасида хуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича самарали механизmlарни жорий этиш бўйича таклифлар киритиш ушбу комиссиянинг асосий вазифаларидан бири қилиб белгиланди.

Шу билан бирга, ёшлар орасида жиноятчилик ва хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни турли мағкуравий таҳдидлар ва ёт ғоялар таъсиридан асраш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ёшлар бандлигини таъминлашга оид масалалар қамраб олинган. Масалан, интернет клублар фаолиятини тартибга

солиши, уларнинг кечки соат 22.00 дан кейинги фаолиятини чеклаш зарурати каби масалалар шулар жумласидандир. Шу боис бу ишга масъул бўлган давлат идоралари, ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар фаолияти самарадорлиги ҳамда масъулиятини янада ошириш лозим.

Президентимиз ташаббуси билан ҳар ҳафтанинг пайшанба куни мамлакатимизда Ҳукуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш профилактика куни сифатида белгилангани болаларни ҳукуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, ўсмирлар орасида ҳукуқбузарликларнинг оддими олиш тизимини мустаҳкамлаш, ота-оналар ҳамда васийлик органларининг масъулиятини ошириш борасидаги ҳамкорликни йўлга қўйишида муҳим йўналиш бўлди.

Ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар, оила, таълим муассасалари ва кенг жамоатчилик зиммасига вояга етмаганлар ҳукуқбузарлиги ва жиноятчилигининг олдини олиш, ҳудудларда вояга етмаганларнинг маънавий, ахлоқий, ҳукуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат тарбиясида иштирок этиш, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмаклашиш, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларнинг ижтимоий педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига ёрдам бериш вазифалари юклатилди. Жойларда ёшларни соғлом ва комил инсон қилиб ўстириш ва тарбиялаш, уларнинг спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун барча шароитни яратиб бериш, бўш вақтларидан унумли фойдаланиши учун кутубхоналар ташкил этиш борасида турли жамоат ва давлат ташкилотлари вакиллари, маҳаллалар фаоллари билан ҳамкорликда самарали иш олиб борсак, ҳар томонлама билимли, юксак манаъвиятли ёшларимиз яқин ва узоқ истиқболда мамлакат ва халқимиз ҳаётининг ривожланиши учун бор кучгайрат ва салоҳиятини аямайди.

Мамлакатимизда ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар халқимизнинг тинч ва осойишталигини таъминлашга хизмат қиласди.

Маълумки, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар вояга етмаганлар тарбияси бўйича асосий масъуллар хисобланади. Қонунда вояга етмаганлар билан ишлаш вазифаси юклатилган органлар алоҳида кўрсатилган. Ушбу қонунда кўрсатилмаган органлар ҳамда муассасалар вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликларнинг профилактикасида қонун хужжатларида белгиланган тартибда иштирок этади. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳолати Ҳозирги вақтда вояга етмаганлар жиноятчилиги ҳақида салмоқли статистик материал тўпланган, уни таҳлил

қилиш методикаси асосан ишлаб чиқилған. Буларнинг барчаси вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳолатини, унинг микдор ва сифат (таркибий ва бошқа) ўзгаришларини анча аниқ баҳолаш имконини беради. Ўзбекистонда жиноят статистикаси 1990 йилгача жиноят содир этгани аниқланган шахслар сонига кўра вояга етмаганлар жиноятчилиги ҳар беш йилда ўрта ҳисобда 4-8% га изчил ўсиб борганини қайд этиб келган. 1991 йилдан бу тенденция сезиларли даражада ўзгарди. 1995-1996йилларда рўйхатга олинган жиноят содир ўсмиirlар сонининг ўсиши 8% ни ташкил этди. Таққослаш учун: бу кўрсаткич Россия Федерациясида 20%, Украина - 16,8%, Озарбайжонда – 18,1, Қозоғистонда – 14,9%, Туркманистанда – 9%, Белоруссияда. -9,8% ни ташкил этган. 1998 йилда 50 мингдан ортиқ жиноятчи, шу жумладан икки мингдан ортиқ вояга етмаганлар ҳукм қилинган бўлиб, бу жазога тортилган жиноятчилар умумий сонининг 4% га яқинини ташкил этади. 1996 йилда бу кўрсаткичлар тегишли равишда 51602 жиноятчи, 2023 ўсмир ва 3,9% ни ташкил этган, 50 дан ортиқ ўсмир Олий суд томонидан жазога ҳукм қилинган эди. Маҳкумлар таркибини кўздан кечирадиган бўлсак, 1998 йил- да жиноят содир этган 2000 дан кўпроқ жиноятчи орасида 37 киши ҳаётга қарши жиноятлар учун (ЖКнинг 97-103-моддалари бўйича) ҳукм қилинган (1996 йилда–10 киши). Соғлиққа қарши жиноят содир этганлар (ЖКнинг 104-111-моддалари) 50дан ортиқ кишини ташкил этган. Талончилик учун 150 дан ортиқ киши, босқинчилик учун – 40 дан ортиқ киши ҳукм қилинган. 155 160 дан ортиқ кишига (бу жами вояга етмаган маҳкумларнинг 8% ни ташкил этади) шартли жазо тайинланган. Вояга етмаган жиноятчиларнинг ярмидан кўпроғига озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо белгиланган. Вояга етмаганлар ўртасидаги аёллар жиноятчилигига оид маълумотлар ҳам диққатга сазовор. 2142 ўсмирдан 113 киши (5,35%) аёл жинсига мансуб бўлган. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳудудий тақсимланишини ўрганиш криминологик аҳамиятга молик бир қанча тенденцияларни намоён этади. Статистик кузатиш билан қамраб олинган Республика ва унинг вилоятлари чегараларида айrim минтақалар ўртасида жиноятчилик даражасида жиддий микдорий тафовутлар қайд этилади. Вояга етмаганлар жиноий фаоллигининг энг катта даражаси сўнгги йилларда Тошкент шаҳри, Навоий, Тошкент, Сирдаре, Наманган, Фарғона, Қашқадаре, Андижон ва Хоразм вилоятларида, энг паст кўрсаткичлар – Жиззах, Сурхондаре, Самарқанд, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида кузатилмоқда. Жиноятчилик даражасидаги ҳудудий фарқларни таҳлил қилишда доим йирик саноат марказларида вояга етмаганлар жиноятчилигининг энг юқори кўрсаткичлари қайд этилади. Қишлоқ ҳудудларида тадқиқотчилар кўпроқ унинг микдор ва сифат хусусиятлари ўхшашигини қайд этадилар. Криминологлар вояга етмаганлар жиноятчилиги даражаси билан минтақани тавсифловчи

болалар ва ўсмирлар умумий сони ва улуши; ишламайдиган ва ўқимайдиган меҳнатга лаёқатли вояга етмаганлар улуши; судланганлар, майший ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахслар (пиёнисталар, безорилар ва ҳ.к.) улуши; ҳар хил тиббий рўйхатларда турувчи шахслар (алкоголизм, гиёхвандлик касалликлариға чалингандар, руҳий касаллар ва б.) улуши каби қўрсаткичлар ўртасида изчил боғланиш мавжудлигини аниқлагандар. Вояга етмаганлар жиноятчилигидаги минтақавий фарқлар билан бузилган оиласидан узвий алоқа мавжудлиги аниқланган. Айни шу қўрсаткичга кўра ўсмирлар жиноятчилигининг энг кам ва энг катта даражаси қайд этилган минтақалар билан ажрашган эр-хотинлар сонига кўра ўхшаш минтақаларнинг деярли тўлиқ мос келиши кузатилади. Бу вояга етмаганлар билан тарбияпрофилактика ишларининг устувор йўналишларини танлашда оиласидаги беқарорлик қўрсаткичларидан бош мезонлардан бири сифатида фойдаланиш имконини беради. Криминологияда вояга етмаганлар жиноятчилигини таркибий таҳлил қилиш айниқса кенг тарқалган. У қасдан одам ўлдириш, қасдан баданга оғир шикаст етказиш, номусга тегиши, босқинчилик, талончилик, ўғрилик, безорилик каби жиноятлар бўйича ўтказилади. Ўқотар қуролни эгаллаш ва қўллаш, милиция ходимлариға қаршилик қўрсатиш ҳамда уларнинг қонуний талабларига бўйсунмаслик ҳоллари кўпайиб бораёттир. Вояга етмаганлар ўртасида Муқаддам асосан катталарга хос бўлган жиноятлар, чунончи: қурол ва гиёхвандлик воситалари билан савдо қилиш; фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш; босқинчилик; фирибгарлик; ўғрилик мол билан савдо қилиш тобора кенг тарқалмоқда. Вояга етмаганлар жиноятчилиги доимо асосан гурухий хусусиятга эга бўлган. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган гурухий жиноятлар улуши катталар жиноятчилигининг шундай қўрсаткичидан тахминан 1,5-5 баравар ортиқ ва вояга етмаганларнинг умумий жиноятчилиги таркибида 20-80% ни ташкил этади. Ёш, руҳият ва бошқа шахсий хусусиятларга кўра ижобий ва салбий тусдаги гурухий хулқ-атвор вояга етмаганлар учун табиий ҳол ҳисобланади. Сўнгги йилларда ғайриҳуқуқий хулқ-атворли ўсмирлар гурухларининг йириклишуви кузатилмоқда. Жами гурухлар бешдан уч қисми иштирокчилари ёшининг ҳар хиллиги уларнинг мазкур фаолиятга мойиллигини янада кучайтиради, унинг янадафаоллашувига туртки беради. Ўсмирлар гурухларининг уюшган жиноятчиликка бўйсуниш жараёни ҳам фаол кечеётир. Бу гурухлар ишсиз, майда тижорат билан шуғулланувчи, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш жойларидан қайтган ва ҳаётда ўз ўрнини топа олмаган ўсмирлар ҳисобига тўлиши учун ижтимоий негиз кенгайиб бормоқда. Турли маълумотларга кўра вояга етмаган жиноятчилар орасида мактаб ўқувчилари 38,3% ни, ишлайдиганлар - 11,4% ни, доимий даромад манбаига эга бўлмаганлар – тахминан 30% ни ташкил этади.

Аввало, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги хуқуқбузарликларини олидни олиш ва уларни туб илдиз ҳамда сабаб-шароитларини ўрганиш, қолверса уларнинг оқибатларига нисбатан тизимли курашиш оила, мактаб, таълим муассасалари, маҳалла ва жамоатчилик фикрини чуқур ўрганиш ҳамда таҳлилий жараёнларидан ва асли келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш бўйича вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторидан анчагина мъсулиятни талаб этади. Хусусан, муомала лаёқатига эга бўлмаган вояга етмаганлар ва ёшларни бўш вақтларини мазмунли ўtkазиш уларнинг ними иш билан бандилиги, қандай шахслар ҳамда гурухлар билан муносабат жараёнларини олиб бораётганлиги каби долзарб муоммоларни тизимли ҳал этиш ва доимий равишда ҳабардор бўлиш каби вазифаларни аниқлаши профилактика инспектори фаолиятини янада осонлаштириди, бу эса ўз навбатида вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилиши хавфи мавжуд бўлган хуқуқбузарликларини барваqt олидин олиш ҳамда профилактикасида устувор аҳамият касб этади десак, ҳеч ҳам янглишмаган бўламиз. Маълумки, бугунги кунда вояга етмаган шахсларнинг характерини ўрганиш масаласи вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторидан кучли маҳорат ва психологик билим ҳамда кўникма талаб қилишни англаши лозим. Бу борада уларнинг ижтимоий-психологик маҳоратини ошириш замон талабидан келиб чиқади. Шуни унитмаслик лозимки, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари ёш бола онгига ва унинг руҳиятига таъсир ўтаказадиган даражада юксак қобилият, қолаверса амалий тажриба, салоҳиятга эга бўлиши лозим ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари том маънода юрист-психолог бўлиши лозимлиги талаби бу соҳадаги мавжуд муоммоларни бартараф этишга ва уларни ҳал этишга ҳамда мураккаб муаммоли вазият, шароитларнинг олдни олишга катта ёрдам беради. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари вояга етамаганлар ва ёшларни факат содир этилган хуқуқбузарлик учун жазолаш аппаратига айланиши эмас, уларни ватанправарлик руҳида тарбиялаши, она ватанга садоқат каби миллий ғояларни онгига сингдириши, уларга содир этаётган ҳатти-характларининг оқибатлари уларни бартараф этиш ҳамда энг яқин киши сифатида йўл кўрсатиш ва энг асосийси, уларни жамият номукаммалгидан асраб авайлайдиган тарбия инситути вазифасини ўтовчи ички ишлар ораганларининг ижтимоий инфратузилмасининг бош бўғини ҳисобланиб келмоқда. Таъкидлаш жоизки, бош бўғин дейишга сабаб ва асослар мавжуд ҳисоблвниб ёш авлод масаласига тақалар екан, ёшлар, келаж авлод уларнинг хуқуқбузар бўлиб қолиш

мойиллигини олидин олиш бугундан бошлаш каби туб масалаларни гавдалантиради. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспектори томонидан чинакам маҳорат талаб этиши сир эмаси нафақат, профилактика инспекторлари, жамаотчилик, маҳалла, қўни-қўшни ва ҳар бир ўз фарзанди тақдирига бефарқ бўлмаган отаоналаримиздан доимий эътибор ва назорат талаб этибина қолмай, уларни бефарқлик каби иллатлар борасида мушоҳада юритишга ундашлари лозим ҳисобланади. Бугунги кунда юксак профиссионализм асосида фаолият юритиб келаётган ички шилар органлари ходимлари содир этилётган ҳар бир ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка амалий ва кенг вамровли ёндашган ҳолда бир қатор самарали чора тадбирларни олиб боришимокда. Соҳадаги туб ўзгариш ва янгиликлар замирида фуқаролар ҳукулари ва уларнинг эркинликлари ва қонуний маънфатларини ишончли ҳимоялаш, фуқорлар осоишталиги, жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш ва пировардида ўсиб келаётган ёш авлодни турли ҳил бузғунчи ва ёт ғоялардан ҳимоялаш каби вазифаларни тизимли ҳал қилишга асосланган десак, адашмаган бўламиз. Ушбу муассаслар бири ички ишлар органлари вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини ўз ваколатлари доирасида амалга оширади. Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи маҳсус бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмаларидан ҳамда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларидан иборатдир. Ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ўз ваколатлари доирасида иштирок этади ҳамда зарур ёрдам кўрсатади. Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари ўз ваколатлари доирасида ўзаро бўйсунув меҳанизми асосида вояга етмаганлар ва ёшлар ўртсида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари билан якка тартибдаги профилактика ишини олиб борадилар, қидиув эълон қилинган вояга етмаганларни, шунингдек ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни аниқлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади ҳамда белгиланган тартибда уларни вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи тегишли органларга ёки муассасаларга юборадилар, вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд вояга етмаганларга нисбатан бошқа ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этаётган шахсларни, шунингдек вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини

бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд вояга етмаганларнинг хулқ-авторига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналарни ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни аниқлайди ҳамда уларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга таклифлар киритадилар, вояга етмаганларнинг, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг, шунингдек бошқа шахсларнинг вояга етмаганларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқадилар, хуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи тегишли органлар ва муассасаларга таклифлар киритадилар, вояга етмаганларни ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказларига ёки ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасаларига белгиланган тартибда жойлаштириш учун уларга тааллуқли ҳужжатларни тайёрлайдилар, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги, хуқуқбузарликлари ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари фактлари, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитлар тўғрисида тегишли давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларни хабардор қиласидилар, хуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларни, шунингдек назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ички ишлар органларига олиб боради, бу ҳақда зудлик билан баённома тузади ҳамда вояга етмаганлар келтирилганлиги ҳақида уларнинг ота-онасини ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни хабардор қиласидилар, вояга етмаганларнинг яшаш, ўқиши (иш) жойидаги таълим, маданий-кўнгилочар, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, бошқа ташкилотларда, тўғараклар ва клубларда вояга етмаганлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг аҳволини ўрганадилар, вояга етмаганларнинг хуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида тегишли давлат органларига ҳамда бошқа ташкилотларга таклифлар киритадилар, вояга етмаганларнинг хуқуқбузарликлари ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги материалларнинг тегишли органлар ва муассасалар томонидан кўриб чиқилишида иштирок этадилар, вояга етмаганлар томонидан содир этилган хуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг, вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада

бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-авторига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналар ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг ҳисобини юритади, шунингдек статистика ҳисботини тузиш учун зарур бўлган ахборотни йигади ва умумлаштирадилар, етим болалар ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда васийлик ва ҳомийлик органларига кўмаклашадилар.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришда : жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содик, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш; ўрта маҳсус, қасб-хунар ва олий таълим муассасалари битиравчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш;

Ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш; ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оиласалар учун муносаб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш;

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш кабилар белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 12 июлдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги 151-сонли буйруғи асосида бугунги кунда ички ишлар органларининг Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар, шунингдек ижтимоий жиҳатдан хафли аҳволда бўлган вояга етмаганлар билан, ҳуқуқбузарликлар содир етишга мойил бўлган вояга етмаганлар билан профилактикаси инспекторилари фаолият юритиб келмоқдалар. Ички ишлар ораганларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш фаолиятини ички ишлар органларининг барча соҳавий хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар, туман ва вилоят ҳокимликлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамиятининг барча институтлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофа этувчи орган ва муассасалар билан ҳамкорликда ташкил этади. Жумладан, вояга етмаганлар ва ёшлар билан бевосита ишлаш таянч пунктлари профилактика инспекторлари ҳамда транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимлари вояга етмаганлар ва ёшлар

ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари томонидан амалга оширилади. Пойтахтимизда эса ушбу фаолият вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари ва ички ишлар органларининг таянч пунктлари профилактика инспекторлари томонидан ўзаро ҳамкорликда ва қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конситутсияси вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш олий юридик қучга эга бўлиб, унга асосан давлат фуқароларнинг Конситутсия ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикасининг ёшлари Конситутсия ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб кўйилган ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқ ҳамда эркинликлардан тўлиқ фойдланадилар. Ислоҳотлар жараёнлар бола ҳуқуқлари ва эркинликларини давлат томонидан кафалотловчи яна бир алоҳида ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилишини заруратга айлантирги. Бундан ташқари қишлоқлар, овуллар ва маҳаллалардаги криминоген вазиятни, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни ўрганадилар уларда вояга етмганларнинг ва ёшлар иштироклари қай даражада эканлигини таҳлил қиласди, шунингдек ўрганиш натижалари бўйича юқори турувчи ички ишлар органларига тегишли маълумот ва таклифларни тақдим этадилар, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича маҳсус профилактик чора-тадбирларни, шунингдек, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахслар билан профилактика ишларини амалга оширадилар, ўқувчиларининг таълим муассасаларидағи давоматини назорат қиласди, ижтимоий хавфли ҳолатда бўлган ва таълим муассасаларига қатнамайдиган вояга етмаганлар ва ёшлар, шунингдек, ушбу тоифадаги шахсларнинг ота-оналари билан профилактика ишларини олиб борадилар, тақиқланган ташкилотлар ҳамда террорчилик, экстремистик ва бошқа ғайриқонуний ва бузғунчилик йўналишидаги гурухлар фаолиятига алоқадор шахсларни аниқлайдилар, ўрнатилган тартибда профилактик ҳисобга олишни, шу жумладан, ҳуқуқбузарликлар, уларни содир этган шахслар ва ҳуқуқбузарликлардан жабрланганлар ҳисобини юритадилар. Вояга етмганлар ва ёшлар ўртасидаги жиноятларни аниқлаш ва фош этиш ҳамда суриштирув, тергов ва суд органларидан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган, бедарак йўқолган шахсларни ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда бошқа шахсларни қидириш, шунингдек, шахси номаълум мурдаларнинг шахсини аниқлаш бўйича тезкор қидирув тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади.

Давлат органлари, жамоат ва бошқа ташкилотлар раҳбарлариға вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритадилар. Ҳуқуқбузарликлардан жабрланган, ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга ҳамда вояга етмаганлар ва ёшларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдамларни кўрсатиш, шунингдек, уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чораларни амалга оширадилар.

Профилактика инспекторлари доимий яшаш жойини узоқ муддатга тарк этган шахсларни ва ёшларини аниқлайдилар ва ҳисобини юритадилар, уларнинг чет элда бўлиш жойлари ва муддатларини аниқлаш юзасидан қариндошлари билан мунтазам иш олиб борадилар, узоқ муддат мобайнида чет элда бўлиб қайтган шахслар ва ёшлар билан профилактик ишларни амалга оширадилар. Бириктирилган худуддаги ҳар бир оилани айланиб чиқадилар ва уларни ўрганадилар, нотинч оиласаларни аниқлайдилар, улар билан профилактик ишлар олиб борадилар, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргалиқда уларнинг майиший ва бошқа муаммоли масалаларини ҳал этишга кўмаклашадилар. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазога маҳкум қилинган шахслар ва вояга етмаганлар ва ёшлар, шунингдек қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар устидан ўрнатилган тартибда назоратни амалга оширадилар, улар билан профилактик ишлар олиб борадилар.

Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланиши ва истеъмол қилиниши, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва сотилишининг олдини олиш бўйича тадбирларни амалга оширади, порнографик мазмундаги маҳсулотлар, фохишибозлик ва ОИВ/ОИТСнинг, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ёйилиши ҳамда фохишаоналарнинг сақланишига чек қўйиш, ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг ушбу йўналишдаги ишларини мувофиқлаштириш бўйича тадбирлар ўтказадилар. Ҳуқуқбузарликлар содир этган вояга етмаганларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсири чораларини қўллаш тўғрисида тегишли орган ва муассасаларга таклифлар киритадилар, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарликлари ҳолатлари ҳамда уларга имкон берувчи сабаб ва шартшароитлар тўғрисида тегишли ташкилотларни ўрнатилган тартибда хабардор қиладилар. Таълим, маданий-кўнгилочар, спорт-соғломлаштириш муассасалари ва бошқа ташкилотларда (тўгараклар, клублар ва х.к.) вояга

етмаганлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишлар аҳволини ўрганадилар, васийлик ва ҳомийлик органларига етим болалар ва ота-оналар қаровисиз қолган болаларни жойлаштиришда кўмаклашадилар.

Бир сўз билан айтганда, профилактика инспектори Муқаддам судланган вояга етмаганлар билан ишлашда қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда иш олиб боради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Каримов.И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Ўзбекистон, 2008
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2016. – 56 б
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.– Т,«Ўзбекистон», 2017.–48 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги – инсон мафаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир. – Ҳалқ сўзи. – Т., 2017. 8 янв
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қаттиқ тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак / Ш.М.Мирзиёев; – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳукуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак Ҳалқ сўзи. – Т., 2017. 10 фев.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.
8. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2017. – 23 дек.
9. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганинг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги // Халқ сўзи.–2018.–13 янв.
10. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси қабул қилинганлигининг 28 йиллиги муносабати билан байрам табриги // Халқ сўзи.–2020.–8 дек.